

Баъзи ишларда эрга бўйсунмаса бўладими?

21:02 / 24.04.2016 3069

Агар эр хотиндан безаниб юришни, уйдан бошқа жойларда, бегоналар олдида сочини очиб юришни талаб қилса, хотин унга бўйсунми керакми? Агар бўйсунмаса, талоқ билан қўрқитса-чи?

ЖАВОБ: Йўқ, у эрнинг бундай талабига бўйсунми мумкин эмас. Зеро, Холиққа гуноҳкор бўлиб, махлуққа итоат этилмайди. Эрнинг талоқ билан қўрқитиши аёлни масъулият ва гуноҳдан халос этмайди. Агар эрнинг бундай жоҳилона талабларини бажарса, аёл ҳам, эри ҳам гуноҳкор бўлади. Эрнинг гуноҳи хотиннинг гуноҳидан кўпроқ бўлади. Агар бу эр аёлларнинг иффатларини сақлаб кийиниб юришларини маданиятсизлик ва ёмон одат деб ҳисобласа, динда зарур деб билинган шаръий ҳукмларни писанд этмагани учун кофир бўлади (Аллоҳ билувчидир).